

## ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрида Қашқадарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 15341,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 3,0 % га ўсди.

2018 йил 3-чорак яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4836,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,0 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган хиссаси 6,3 % ни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йилнинг январь- сентябрига нисбатан % да
	2017 йил январь- сентябрь	2018 йил январь- сентябрь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>12023,0</b>	<b>15341,4</b>	<b>103,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	11267,3	14280,0	102,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	755,7	1061,4	104,8
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>11267,3</b>	<b>14280,0</b>	<b>102,8</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2393,0	3303,9	97,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4876,2	6200,0	103,9
саноат	4011,5	5129,6	104,3
қурилиш	864,7	1070,4	102,3
Хизматлар	3998,1	4776,1	104,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	942,2	1155,9	102,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	815,0	888,0	105,7
бошқа хизмат тармоқлари	2240,9	2732,2	104,6

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 104,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 35,9 %), қурилиш – 102,3 % (7,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа тармоғининг ўсиш суръати 105,7 %, (6,2 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,9 % (8,1 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар -104,6 % (19,2 %)ни ташкил этди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




**иқтисодий фаолият турлари**

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 93,1 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 6,9 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2018 йил январь-сентябрь ойларида 23,1 % ни, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 43,4 % ни, хизматлар соҳасининг улуши 33,5 % ни ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил январь-сентябрь**



**2018 йил январь-сентябрь**



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 8,1 % ни (2017 йил январь-сентябрда – 8,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,2 % ни (7,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,2 % ни (19,9 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**

**Ш.Расулов (0375) 221-16-42**